

**САНЪАТШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.27.06.2017. San.51.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ  
БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ САНЪАТ ВА МАДАНИЯТ ИНСТИТУТИ**

**РАХМАТКАРИЕВА ГУЛЧЕХРА РУСТАМОВНА**

**МИЛЛИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ  
СОЦИОМАДАНИЙ САМАРАДОРЛИГИ,  
БАДИЙ РЕСУРСЛАРИ ВА ХУСУСИЯТЛАРИ**

**Ихтисослик: 17.00.08 – санъат назарияси ва тарихи**

**САНЪАТШУНОСЛИК ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2019**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по  
искусствоведению**

**Contents of abstract of the doctor of philosophy (PhD) dissertation on art  
history**

<b>Рахматкариева Гулчехра Рустамовна</b> Миллий телевидениенинг социомаданий самарадорлиги, бадий ресурслари ва хусусиятлари .....	3
<b>Рахматкариева Гулчехра Рустамовна</b> Социокультурная эффективность, художественные ресурсы и специфика национального телевидения .....	25
<b>Rahmatkarieva Gulchekhra Rustamovna</b> Sociocultural effectiveness, artistic resources and specificity of national television .....	49
<b>Эълон қилинган ишлар рўйхати</b> Список опубликованных работ List of published works .....	53

**САНЪАТШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.27.06.2017. San.51.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ  
БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ САНЪАТ ВА МАДАНИЯТ ИНСТИТУТИ**

**РАХМАТКАРИЕВА ГУЛЧЕХРА РУСТАМОВНА**

**МИЛЛИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ  
СОЦИОМАДАНИЙ САМАРАДОРЛИГИ,  
БАДИЙ РЕСУРСЛАРИ ВА ХУСУСИЯТЛАРИ**

**Ихтисослик: 17.00.08 – санъат назарияси ва тарихи**

**САНЪАТШУНОСЛИК ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2019**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.1.PhD/San2. рақами билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтида бажарилган.

Диссертация автореферати икки тилда (ўзбек, рус ва инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида ([www.fineartins.uz](http://www.fineartins.uz)) ҳамда «ZiyoNET» Ахборот-таълим порталида ([www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Хамидова Марфуа Азизовна**  
санъатшунослик фанлари доктори,  
профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Тешабоев Жўра Тешабоевич**  
санъатшунослик фанлари доктори,  
профессор

**Рамазонова Шоира Рихсибаевна**  
филология фанлари номзоди, доцент

**Етакчи ташкилот:**

**Тошкент давлат миллий рақс ва  
хореография Олий мактаби**

Диссертация ҳимояси Санъатшунослик институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи 27.06.2017. San.51.01 рақамли Илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгаш 2019 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100029, Тошкент шаҳри, Мустақиллик майдони, 2. Тел.: (99871) 239-46-67, факс: (99871) 239-17-71; e-mail: siti1928@mail.ru).

Диссертация билан Санъатшунослик институти кутубхонасида танишиш мумкин (\_\_\_\_рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100029, Тошкент шаҳри, Мустақиллик майдони, 2. Тел.: (99871) 239-46-67).

Диссертация автореферати 2019 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.  
(2019 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_ - рақамли реестр баённомаси)

**А.А.Хакимов**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси,  
санъатшунослик фанлари доктори, профессор,  
Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси  
академиги, Ўзбекистон Бадиий академияси академиги

**Н.Ғ.Каримова**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш  
котиби, санъатшунослик фанлари номзоди,  
катта илмий ходим

**И.А.Мухторов**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш  
қошидаги Илмий семинар раиси,  
санъатшунослик фанлари доктори, профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Дунёда санъатшунослик соҳасида телевидение санъат тури ҳамда ОАВ сифатида устувор йўналишга айланиб, жамиятнинг маданий ҳаёти ва коммуникатив соҳасида томошабинларни интеллектуал, бадиий ахборот билан таъминлаши жиҳатидан етакчи мақомга эгалигини сақлаб қолмоқда. Телевидение социомаданий институт сифатида фаоллашиши бевосита унинг самарадорлигини, бадиий захиралари ва миллийлик аҳамиятини ўрганиш ва тадқиқ этиш билан боғлиқ бўлиб, у тобора долзарблик касб этмоқда. Социомаданий самарадорлик телевидениенинг техник, тасвирий ва ифодавий воситаларини уйғунлаштириб, маданий-ахборий майдон ва таъсир доирасини кенгайтиришига ёрдам беради.

Жаҳонда санъатшунослик телевидениенинг социомаданий эҳтиёжлар билан боғлиқ бадиий телевидениега оид тадқиқотларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада маънавий ва маданий қадриятларда телевидение, образли тили, шаклланиш ва ривожланиш босқичлари, жанрлар каби масалалар қамраб олинган. Ўз навбатида миллий телевидениенинг социомаданий самарадорлигини аниқлаш ва бадиий ресурслар (сахналаштириш маданияти, ижро маданияти, умуман телевидениенинг ижодий-техник имкониятлари, жумладан, тасвирий-ифодавий воситалари) ҳамда хусусиятларини ўрганиш зарурати ортиб бормоқда. Бу миллий телевидениенинг ривожланишига, унда сифат ўзгаришлари ва бадиий изланишларни рағбатлантиришга таъсир қилади.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда телевидениени ривожлантириш учун қатор чора-тадбирлар амалга оширилиб, жумладан, кейинги йилларда рақобат муҳитини шакллантириш йўли билан маҳсулотларнинг сифатини ошириш, профессионализмни кучайтириш мақсадида юқори технологияларга асосланган рақамли узатиш тизимига ўтиш, каналлар ихтисослашуви, нодавлат аудиовизуал ОАВни кенгайтириш ишларига алоҳида эътибор қаратилди. “Атоқли адибларимиз Ойбек ҳамда Пиримқул Қодировнинг романлари асосида таниқли телережиссёр Мақсуд Юнусов “Алишер Навоий” ва “Бобур” видеофильмларини яратганини, уларда машҳур актёрларимиз маҳорат кўрсатганини яхши биламиз. Аммо бу фильмларни суратга олишда моддий-молиявий ва техник имкониятлар ниҳоятда чеклангани яққол сезилиб туради”<sup>1</sup>. Шундай экан миллий телевидениени техник ва бадиий имкониятларини тўлиқ рўёбга чиқариш долзарб масала ҳисобланади. Масаланинг ҳал этилиши билан Ўзбекистонда телевидение амалиётини янада ривожланишига таъсир кўрсатиш орқали социомаданий самарадорликка эришиш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги

---

<sup>1</sup> Мирзиёев Ш. Адабиёт ва санъат, маданиятни ривожлантириш – халқимиз маънавий оламини юксалтиришнинг мустаҳкам пойдеворидир / Ўзбекистон ижодкор зиёлилари вакиллари билан учрашувдаги маъруза // Халқ сўзи. 2017, 4 август.

ПФ–4947-сон Фармони билан қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси», 2017 йил 31 майдаги ПҚ–3022-сон «Маданият ва санъат соҳасини янада ривожлантириш ва такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори, 2018 йил 28 ноябрдаги ПҚ–4038-сон «Ўзбекистон Республикасида Миллий маданиятни янада ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги Қарори ҳамда масала бўйича бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар ривожланишининг 1. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ келади.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Ғарбий Европа мамлакатларида телевидениенинг социомаданий жараёнлардаги ролини ўрганиш бўйича А.Моль, Г.Лассуэлл, Х.Хоркхаймер, Г.Шиллер, Ю.Хабермас, Г.Маклюэн, Ч.Сэндидж, Р.Ладлини шуғулланган. ОАВ, журналистика, тележурналистика муаммолари Т.Хаас, Р.Кэмпбэл, М.Маклахан<sup>2</sup>, С.Кушан<sup>3</sup>, А.Соколов<sup>4</sup>, Э.Багиров<sup>5</sup>, С.Уразова<sup>6</sup> каби олимлар изланишларининг асосини ташкил этган.

С.Хайтматова<sup>7</sup>, Н.Курбанбаева<sup>8</sup>, Ф.Файзиева<sup>9</sup>, И.Рахматуллаевларнинг<sup>10</sup> номзодлик диссертацияларида Ўзбекистон телевидениеси фаолиятининг айрим аспекти ўрганилган. В.Вильчек<sup>11</sup>, А.Каримов<sup>11</sup>, Ҳ.Ақбаров<sup>12</sup>, А.Убайдуллаев<sup>13</sup>, Э.Усмоновларнинг<sup>14</sup> монографиялари, М.Мухамедов<sup>15</sup> ва унинг Ф.Файзиева, В.Абляева<sup>16</sup> билан биргаликда нашр этилган ўқув-услубий ишлари Миллий ТВнинг тарихи ва амалиётига, телемахсулот ишлаб чиқариш жараёнлари масалаларига бағишланган.

<sup>2</sup> Маклахан М. Understanding Media: The extensions of Man. – Canada: McGraw-Hill, 1964.

<sup>3</sup> С. Kushan. Television Journalism /SAGE Publications Ltd/ Cardiff University, 2012.

<sup>4</sup> Соколов А. Монтаж. Телевидение, кино, видео. – М., 2001;

<sup>5</sup> Багиров Э. Место телевидения в средствах массовой информации и пропаганды. – М.: Изд-во МГУ, 1987;

<sup>6</sup> Уразова С. Телевидение как институциональная система отражения социокультурных потребностей: Автореф. дисс. ... докт. филол. н. – М., 2012;

<sup>7</sup> Хайтматова С. Становление и развитие телевизионного художественного кино в Узбекистане: Автореф. дисс. ... канд. искусств. – Л., 1987;

<sup>8</sup> Курбанбаева Н. «Телевизионный театр Узбекистана: к проблеме адаптации литературно-драматических произведений на телевизионном экране: Автореф. дисс. ... канд. искусств. – Ташкент, 1995;

<sup>9</sup> Файзиева Ф. Ўзбекистон Бадий телевидениесининг шаклланиши (1956-2000 йиллар): Автореф. дисс. ... канд. искусств. – Ташкент, 2009;

<sup>10</sup> Рахматуллаева И. Ўзбекистон телевидениесида ёшлар кўрсатувлари: Автореф. дисс. ... канд. искусств. – Ташкент, 2007;

<sup>11</sup> Вильчек В. Контурсы. – Ташкент: Фан, 1964.

<sup>11</sup> Каримов А. Телевидение Узбекистана. – Ташкент: Фан, 1973;

<sup>12</sup> Ақбаров Ҳ. Кино ва телевидение оламида. – Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги нашр., 1999;

<sup>13</sup> Убайдуллаев А. Горизонты телевидения. – Ташкент: Фан, 1993;

<sup>14</sup> Усмонов Э. Ҳайратларга тўла дунё. – Тошкент: Минхож, 2005;

<sup>15</sup> Мухаммедов М. Режиссура асослари. – Тошкент: ЎзДСИ, 2008;

<sup>16</sup> Мухаммедов М., Файзиева Ф., Абляева В. Телевидение асослари. – Тошкент: ЎзДСИ, 2008.

Бу соҳада эришилган ва илмий-амалий қимматга эга бўлган натижалар билан бирга айрим масалалар кам ўрганилганлиги ёки деярли ўрганилмаганлигини қайд этиш жоиз. Улар қаторида:

Ўзбекистон телевидениесини ижтимоий, интеллектуал салоҳиятга эга яхлит мураккаб тизим сифатида ёритадиган комплекс ишлар;

Ўзбекистон Миллий телевидениесининг санъат ва аудиовизуал оммавий ахборот воситаси сифатида социомаданий самарадорлиги, бадиий захиралари ва ўзига хослигини аниқлаштиришга йўналтирилган назарий тадқиқотлар;

Миллий телевидениенинг типологик, структуравий-функционал, жанр-стиль тавсифлари;

унинг фаолиятига тааллуқли бунёдкорлик соҳаларини замонавий шарт-шароитда мақбуллаштириш жиҳатидан материални ёритиш масалалари эътибордан четда қолмоқда.

**Диссертация тадқиқотининг олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ А1–019 – «Ўзбекистон экран-саҳна санъатлари: 100 йиллик тарихи (социодинамик аспекти кесимида)» (2015–2017 йиллар) номли амалий лойиҳа доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** телевидениенинг санъат тури ва аудиовизуал оммавий ахборот воситаси сифатида социомаданий самарадорлиги, бадиий захираларини очиб беришдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

Миллий телевидениени ОАВ тизими ва истеъмолчилик эҳтиёжлари соҳасидаги роли, ўрнини, шакл-мазмун, институционал, маданий яратувчилик каби ўзига хос жиҳатларини асослаш;

Миллий телевидениенинг жанр-мавзу йўналишларини, образ тизимида тасвир ва овоз синтези масалаларини, миллий телевидениенинг дастурлаш фаолиятини ташкиллаштиришнинг хусусиятини ёритиш, ишлаб чиқариш-ижодий механизм моҳиятига тавсиф бериш;

ижодий саҳналаштириш гуруҳи иштирокидаги бадиий кўрсатув доирасида дастурлаш фаолиятини амалга оширишнинг методологик ва технологик жараёнларини таҳлил этиш;

шахснинг ижтимоийлашуви, интеллектуаллашуви, эстетлашуви жараёнларида ҳамда жамиятда таянч қадриятлар шаклланишида телевидениенинг ролини асослаш;

Мустақил Ўзбекистон Миллий телевидениесини самарали фаолият юритиши омиллари, шарт-шароитлари ва истикболини маънавий-амалий вазифаларни амалга ошириш нуқтаи назаридан шакллантириш;

олинган натижаларни назарий умумлаштириш ва Миллий телевидение ҳамда худудий телекомпаниялар фаолиятини такомиллаштириш юзасидан тавсияларни ишлаб чиқиш;

тушунчаларнинг терминологик луғатини ишлаб чиқишдир.

**Тадқиқотнинг объектини** Ўзбекистон Миллий телевидениеси, унинг

социомаданий самарадорлиги ва бадий захиралари ташкил этади.

**Тадқиқотнинг предметини** мавзу, шакллар, дастур йўналишлари, бадий маҳсулот, сценарий материали, саҳналаштириш, ижрочилик маданияти, санъат дастурлари концепциясида телесанъатнинг алоҳида турлари ва жанрлари ташкил этади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертацияда комплекс, қиёсий, танқидий-баҳолаш, структуравий-функционал таҳлил, идеографик, типологик, контекстуал усуллари қўлланилган.

Умумий ҳолда тадқиқот усуллари тизимли-структуравий таҳлил илмий концептларига, телевидение фаолиятининг ахборий-коммуникатив, институционал, бадий-образли соҳалари моҳиятини ҳамда ишлаб чиқариш-ижодий жараён технологиясини санъатшунослик фанлараро нуқтаи назаридан англашга таянади. Шунингдек, турли жанрлардаги телевизион асарлар ёзувлари, мутахассислар билан суҳбатлар, социологик сўровдан фойдаланилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

замонавий медиа жараёнларида Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси ва унинг структурасидаги телерадио каналларнинг маҳсулотларида сифат ўзгаришларининг заруратига кўра санъатшунослик шарҳлари, ҳужжатли материаллар улушини кўпайтириш долзарблашаётгани асослаб берилган;

телевидение жанрлари сценарий, саҳналаштириш ва ижро маданиятини қамраб олган ижодий ишлаб чиқариш жараёни билан боғлиқ ҳолда ривожланиши далилланган;

маълум тарихий босқичда мазмун ва шакл устида изланишлар, техника тараққиёти сабабли телеспектакль, телефильм, видеофильм, сериал форматлари юзага келгани исботланган;

миллий телевидениеда бадий ахборотни яратиш, тарқатиш, сақлаш жараёнлари коммуникатив, эстетик, рекреатив каби ижтимоий функциялар ҳамда ижодий фаолият билан боғлиқ тарзда амалга ошиши аниқланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилар билан белгиланади:

замонавий телеамалиёт тўғрисидаги хулосалар, миллий телевидение маҳсулотлари ва ижодкорлари ҳақида маълумотлар илмий муомалага киритилган;

телевидениенинг дастурлаш фаолиятини кўрсатувларнинг ғоявий-бадий даражаси ўсиши нуқтаи назаридан такомиллаштириш бўйича таклифлар берилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Телевидение амалиётидаги фактик материаллар, аудиовизуал воситалар ҳам назарий, ҳам амалий даражада таҳлил қилинганлиги, адабий манбалар ва социологик сўровларга таянганлиги тадқиқот натижаларининг ишончли эканлигини белгилайди. Шунингдек, ишонччилик республика ва халқаро миқёсдаги илмий конференция материаллари тўпламлари, ОАК рўйхатидаги махсус журналлар ҳамда хорижий илмий журналларда чоп этилган мақолалар билан

изоҳланади. Танланган тадқиқот методлари диссертация натижаларининг ишончлилигини таъминлайди.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти телевидениени замонавий ОАВ назарияси, амалиёти ва методологияси билан боғлиқ санъатшунослик муаммоси, маданий ахборотни яратувчи ва тарқатувчи полифункционал тизим тарзида идентификациялаш, бадиий қадриятларни узатувчи, ишлаб чиқарувчи телевидениени ҳам аудиовизуал санъат, ҳам ОАВ сифатида фаолият юритишини таъминловчи социомаданий самарадорлигини, бадиий ресурсларини аниқлаш ташкил этади. ТВ ижодий амалиёти ва ТВ журналистика билан бевосита боғлиқ тарзда, замонавий медиа шарт-шароитида телеэкран тезкорлик, ахборийлик, томошавийлик жиҳатдан ўзининг тур, жанр-стиль хослиги ва мустақиллигини сақлаган ҳолда билимларни аудиовизуал санъат ва тележурналистика талабларига мос тарзда кенгайтиришга ва чуқурлаштиришга, универсал ахборий муҳит намоён бўлишига хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти санъатшунослик ва журналистика йўналишларида телевидение тарихи ва назарияси бўйича махсус курслар ўтиш, дарсликлар, ўқув қўлланмалар яратишда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади. Бундан ташқари тадқиқотнинг телевизион ишлаб чиқариш технологиясига оид масалалари телевидение ва мультимедиа-дастурлаш амалиётида, ТВ ходимлари малакасини ошириш институтлари ҳамда санъат ва маданият ОТМ доирасида санъатшунос-тележурналистлар, сценарийнавислар, телережиссёрлар, телеоператорлар, овоз режиссёрлари, олиб боровчиларни ўқитиш жараёнида фойдаланишга хизмат қилишида намоён бўлади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.**

Миллий телевидениенинг социомаданий самарадорлиги, бадиий ресурслари ва хусусиятлари бўйича олинган илмий натижалар асосида:

замонавий медиа жараёнларида Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси ва унинг структурасидаги телерадио каналларнинг маҳсулотларида сифат ўзгаришларига кўра санъатшунослик шарҳлари, ҳужжатли материаллар улушини кўпайтириш долзарблашаётгани ҳамда миллий телевидение ижодий ресурслари ҳақидаги маълумотлар 2012–2015 йилларда амалга оширилган ЎзР ФА Санъатшунослик институтининг А-1-ФА-0-19116 “Мустақил Ўзбекистон кино санъати: ижтимоий функциялари ва поэтикаси” мавзуидаги давлат грантининг амалий лойиҳаси тадқиқотида фойдаланилди (Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг 2019 йил 1 апрелдаги 3/1255-1001-сон маълумотномаси). Мазкур илмий натижалардан фойдаланиш Ўзбекистон кичик экран санъати тарихини ўрганишда аҳамиятли бўлиб, бадиий телевидение назариясига оид билимларни кенгайтиришга хизмат қилган;

телевидение жанрлари сценарий, сахналаштириш ва ижро маданиятини камраб олган ижодий ишлаб чиқариш жарёни билан боғлиқ ҳолда

ривожланиши далилланган хулосадан Халқаро бахшичилик санъати фестивалида (2019 й.) сценарийларини тузишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлигининг 2019 йил 12 апрелдаги 01-12-03-1739-сон маълумотномаси). Илмий натижалардан фойдаланиш Миллий телевидениенинг аудиовизуал оммавий ахборот воситаси сифатида бадиий ресурслар ва хусусиятларини очиб беришга хизмат қилган;

маълум тарихий босқичда мазмун ва шакл устида изланишлар, техника тараққиёти сабабли телеспектакль, телефильм, видеофильм, сериал форматлари юзага келгани исботланган хулосадан 2012–2015 йилларда амалга оширилган ЎзР ФА Санъатшунослик институтининг А-1-ФА-0-19116 “Мустақил Ўзбекистон кино санъати: ижтимоий функциялари ва поэтикаси” мавзуидаги давлат грантининг амалий лойиҳаси тадқиқотида фойдаланилди (Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг 2019 йил 1 апрелдаги 3/1255-1001-сон маълумотномаси). Мазкур илмий натижалардан фойдаланиш Ўзбекистон телевидениесида жанр-услубий изланишларни таҳлил қилишда аҳамиятли бўлиб, бадиий телевидение назариясига оид билимларни кенгайтишига хизмат қилган;

миллий телевидениеда бадиий ахборотни яратиш, тарқатиш, сақлаш жараёнлари коммуникатив, эстетик, рекреатив каби ижтимоий функциялар ҳамда ижодий фаолият билан боғлиқ тарзда амалга ошириш аниқланган хулосадан «Оилавий» телеканалининг «Первый шаг» лойиҳасида, унинг студиядан ташқари олинган кўрсатувларнинг махсус сонлари сценарийсида ва сахналантириш амалиётида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Миллий телерадио компанияси “Оилавий” Давлат унитар корхонасининг 2018 йил 26 апрелдаги 39-39-641-сон маълумотномаси). Илмий натижалар телеэфирнинг тарбиявий хусусиятлари ошишига, болалар аудиториясини кенгайтиб боришига хизмат қилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 15 та республика ва халқаро илмий-амалий конференцияларида маъруза кўринишида баён этилган ҳамда апробациядан ўтган.

**Тадқиқот натижаларнинг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 40 та илмий иш, шу жумладан, 1 монография, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларида 7 та мақола, жумладан, 6 таси республика ҳамда 1 таси хорижий журналларда нашр этилган. Шунингдек, бошқа хорижий журналларда 4 та, улардан 2 таси импакт-факторли нашрларда (Марсель, Филадельфия) чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, тўртта боб, 8 параграф, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда атамалар луғатидан таркиб топган. Диссертациянинг ҳажми 159 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати асосланиб, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети, услублари, ёндашувлари аниқланган. Концепциянинг илмий янгилиги, материалнинг ўрганилганлик даражаси, ишнинг назарий ва амалий аҳамияти баён этилиб, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ва жорий қилиниши, апробацияси ва иш тузилиши ҳақида маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Замонавий социомаданий маконда телевидениенинг ўрни**» деб номланган биринчи боби 2 параграфдан иборат: 1. Телевидениенинг санъат ва оммавий ахборот воситаси сифатидаги идентификацион белгилари; 2. Институционал ва маданий яратувчилик тавсифлари. Бобда санъат ва оммавий коммуникация воситалари турлари тизимида ТВнинг роли ва ўрни, ўзига хос белгилари ёритилган. Жамиятда таълим, маънавий-ахлоқий, эстетик тарбия соҳасидаги маданий-маърифий фаолиятни амалга оширишда «кичик экран»нинг шакллари ва йўллари бирлаштирган полифункционал хусусиятлари ва имкониятлари таҳлил қилинишига алоҳида эътибор қаратилган.

Телевидение технологик аср маҳсули сифатида экран образлари билан воқеликни техник воситалар орқали узатиши ТВ моҳиятини ташкил этади, унинг хусусиятлари билиш объектлари (инсон, табиат, муҳит) билан изоҳланади. «Кичик экран»нинг оммавийлиги ва социомаданий маконда фаолият юритиш шарт-шароитлари матбуот, радио, техника воситаларини уйғунлаштириши, санъат ва журналистиканинг синтези тарзида нисбатан мустақилликка эгаллиги, коммуникатив хусусиятлари билан белгиланади.

ТВ ўз фаолиятини оммавий-коммуникацион (журналистика, тарғибот, реклама, PR), кўнгилочар-рекреатив, бадий ва билим-мослашувчанлик йўналишларида амалга ошириб, узлуксизлик, тезкорлик, манзиллик, шунингдек, объект танлаш, ахборотни такрорлаш, томошабин қизиқишларини ҳисобга олиб дастур тайёрлаш имкониятларига эга ҳамда социомаданий институт вазифаларини (коммуникатив фаолиятга хизмат қилувчи ахборотлаштириш, тарбиявий, муайян ҳиссий-руҳий тонусни яратиш) бажаради.

Оламни таҳлилий ва маданий идрок этиш асосларини шакллантириб, ТВ шахснинг ижтимоийлашуви, эстетлашуви, интеллектуаллашуви жараёнларига таъсир кўрсатади; билим, ватанпарварлик, байналминаллик, гуманистик интилишлари устуворлик сифатида долзарблаштиради. Ўзининг маърифий анъаналарини янги ғоялар, концепциялар билан бойитиб, ижодий салоҳиятини намоён этади ва маданий-ахборий маконни кенгайтиради.

Коммуникатив-ахборий ва эстетик функциялар телевидение табиатини ҳам санъат тури, ҳам ОАВ сифатида кўрсатади. Маърифий, билим-рекреатив, фикрни юзага келтириши жиҳатидан маданий шакллантирувчи хусусиятлари, таъсир воситалари (онг ва қалб орқали), ишлаб чиқариш технологиялари (ташкилий-техник, иқтисодий), телемаҳсулотни яратиш ва эксплуатация қилишнинг ижодий-ишлаб чиқариш жараёни, форумлар, телефестиваллар

ташкिलाштирилиши, социологик сўровлар ҳам ТВ полифункционаллигини таъкидлайди.

Телевидениенинг маданий ташкил этувчи хусусиятлари унинг алоҳида шахс, кенг маънода муҳит, жамият, давлат маданиятига таъсир этиши; ТВ доирасида ва ундан ташқарида бадиий ижоднинг янги шакллари тузилиши ва ривожланиш жараёнлари тушунилади. Репродуктив, ишлаб чиқариш (бадиий-ижод, рецепцион-эстетик, маънавий-маданий) соҳаларида бу омиллар намоён бўлади.

ЎзМТРК амалиёти экран тили эстетик, билим орттириш, тарбиявий, ахлоқий, томошавий, семиотик, қайтадан ташкил топувчи, баҳоловчи функцияларига, шунингдек, интеграциялашув, инсонпарварлашув, идентификациялашув хусусиятларига эгаллигини кўрсатади.

Телевидениенинг ОАВ ва санъатни бирлаштирувчи синтетик табиатига кўра телемахсулотнинг жанр-мавзу йўналишларига эгаллиги унинг нисбатан барқарор устувор белгилари, экран тилининг ўзига хослиги асар *стилистикаси* билан изоҳланади. Бадиий телевидение *объектлари* – моддий ва маънавий маданият бойликлари, инсоннинг бунёдкорлик фаолияти, ижодий жамоалар ва муассасалар ҳисобланади.

ТВнинг маънавий имкониятлари санъатни асраш, тарқатиш, ишлаб чиқариш, анъаналар янги сифатда уйғониши ва синтетик шаклларнинг юзага келиши билан боғлиқ. Улар инсоннинг ижодий моҳиятига кўра алмашадиган маънавий захиралар, маданиятнинг шахсият аспектларини йўналтиради. Қарор топган кадриятлар мажмуини ифодаловчи шахсият аспектлари интеллектуал-таълим фаолияти ва жамоавий тажриба йўллари тизимли ўзлаштириш жараёнларида шаклланади.

Теледастурлар идрок қилинишига универсаллик, устуворлик, комплекслик, ўрнини босувчанлик, истеъмол шарти ва маданияти, телекоммуникациялар тизими ишлаб чиқилганлиги каби омиллар ижобий таъсир этади. Технологик ва бадиий захираларга эга бўлган ҳолда Ўзбекистон Миллий телевидениеси ҳозирда ранг-баранг телевизион дастурлар ва кўрсатувларни таклиф этмоқда. У ҳаётни кузатувчи, ифодаловчи, идрокнинг руҳий ҳамда рационал томонларига таъсир қилувчи бўлиб, глобал инфраструктурага айланиб бормоқда.

Республика ва халқаро ҳаётнинг долзарб масалалари тўғрисидаги бош ахборот манбаларидан бири сифатида «O‘zbekiston-24» телерадиоканали мисолида ЎзМТРКда икки мустақил оқим – таҳлил ва ахборотнинг бирлашиши ҳақида айтиш мумкин.

Танқидий компонент иштироки билан ахборий-таҳлилий йўналтирилганлик «Тинчлик учун курашмоқ керак» («O‘zbekiston»), «Очик мулоқот», «Холис назар» («Toshkent»), «Журналист касбини ўзгартиради» («Madaniyat va ma’rifat»), «Мулоқот ва манфаат» («Ruxsor TV»), «Халқ билан мулоқот: менинг овозим» («Mening yurtim») каби лойиҳаларга хос.

Янгиликлар журналистикасида «Маданият янгиликлари» («Madaniyat va ma’rifat»); «Янги кун», «Яхшилик» («Yoshlar»); «Янгиликлар», «Турфа олам»,

«Бизнес-ревью» («Dunyo bo'yulab»); «Киноанонс», «Китоб ҳақида» («Книжная аннотация»), «Афиша» («O'zbekiston-24») каби дастурлар эътиборга лойиқ.

Адаптацион йўналиш ўқув-таълим, илмий-оммабоп, ижтимоий-педагогик лойиҳаларда ўз аксини топган: «Заковат» («Milliy TV»); «Илм», «Интеллект», «Кун тарихи», «Ўзбек адабиёти» («Yoshlar»); «Катта танаффус», «Do-mi-sol», «Bravo English» («Volajon»); «Биз учун муҳим» («O'zbekiston»); «Меҳр кўзда», «Бу менинг онам» («Zo'r TV»). Республиканинг ижтимоий-сиёсий ҳаёти – «Харакатлар стратегияси» («Стратегия действий»), «Тизимли ечим» («Системный подход»), «Культурная палитра» («O'zbekiston-24»); «Ўзбекистон – умумий уйимиз», «Муносабат», «Шарҳ+», «Халқаро прессклуб», «Пресс-клуб», «Қарама-қарши», «Ислохотлар самараси»нинг («O'zbekiston») диққат марказида ёритилмоқда.

Ижтимоий муаммолар ҳақида: «Халқ билан юзма-юз», «Журналист нигоҳида», «Оталар сўзи – ақлинг кўзи», «Репортёр», «Менга иш беринг» («Mahalla»), «Orzuga ishon» («Zo'r TV»), «Лицом к народу» («O'zbekiston-24»). Ахлоқ маданияти «Одамийлик», «Аёл ва замон», «Оила шаъни», «Оналик академияси», «Аёлнинг бир куни», «Оилангиз шифокори», «Мактаб ва оила» («Oilaviy») лойиҳаларида кенг муҳокама қилинмоқда.

Телевидение ижодий, ақлий қобилиятни ҳар томонлама ривожлантириш қаторида фақатгина жамиятда ўзини тутиш асосларини шакллантирибгина қолмай, шахслараро мулоқот муҳимлигини англаш жараёнига ҳам таъсир ўтказди. Бунда социум муҳитни қанчалик қабул қилишга тайёрлиги, унинг ривожланиш ва ижтимоий эволюциясида қайси қадриятлар, идеаллар хизмат қилиши аҳамиятлидир.

Ахборий, таҳлилий, публицистик ва бадиий дастурлар воситасида шахсиятни шакллантирадиган қарашлар, маънавий-ахлоқий, баҳолаш-тушунча билимлари, тасаввурлар тизими – аудиовизуал санъатнинг таркибий қисми сифатида ТВнинг ижтимоий фаолият юритишининг муҳим шарти ҳисобланади. Ахборот захиралари ҳамда ўзида мавжуд бадиий захиралар саноат, илмий-техник, энергетик салоҳиятдан кам бўлмаган муҳим стратегик салоҳиятни намоён этади. Улар ўз навбатида таянч тамойилларни шакллантириб, глобаллашаётган дунёда ТВнинг социомаданий самарадорлиги ва институционал аҳамиятини белгилаб беради.

ТВ ижтимоий-гуманитар ҳаётнинг муҳим соҳаси, маънавий ишлаб чиқариш воситаси, оммавий маданиятни намоён этиши билан унинг таркибий қисмлари бирлиги сифатида кўринади.

Маданият тарбияси ҳақида гап борганида телевидение муҳим роль ўйнаб, турли халқларнинг бунёдкорлик фаолиятини ифодалайди, умуминсоний идеалларни бирлаштиради. Бу «Дунё адабиёти» («Madaniyat va ma'rifat»), «Тарих ва бугун» («Dunyo bo'yulab») лойиҳаларига хос.

Телевидениени Ўзбекистоннинг моддий ва маънавий мероси, қадимий ва замонавий санъатининг тарғиботчиси сифатидаги кўп қиррали функцияси ҳақида ҳам гапириш мумкин. ЎзМТРК таҳлилий ва тасвирий материаллардан кенг фойдаланган ҳолда эстетик, илмий билиш вазифаларини ҳал этиш

жиҳатидан маданий воқеани замонавий ҳаётнинг муҳим ҳодисасига айлантормоқда, тегишли илмий-амалий тармоқларнинг мутахассисларини таклиф этган ҳолда билимлар манбаи сифатида ҳам намоён бўлмоқда («Dunyo bo'yulab» телеканалининг «Тафсилот», «Телемушоҳада», «Эҳтиром»; «Kinoteatr» телеканалининг «Моҳият ва маҳорат», «Азиз сиймолар»).

Миллий ТВнинг маърифий тамойиллари тасвирий-ифодавий воситалар ҳамда материал етказиш йўллари янгилаган ҳолда ўтмиш ва замонавий маданиятни боғлашга имкон бермоқда. Компьютер технологиялари фаол татбиқ этилмоқда, ёшлар аудиториясини жалб этадиган қизиқарли дастурлар юзага келмоқда. Томошабинни бадий-публицистик ахборот билан таъминлайдиган оригинал лойиҳалар пайдо бўлмоқдаки, уларни эфирда кўп бора такрорлаш имкони мавжуд.

Ҳозирда телевидениенинг жамиятни ижтимоий-муомала, дунёқараш, ахлоқий-этик асосларини шакллантиришдаги роли ошиб бораётгани аён. Меҳнатсеварлик, интизом, сафарбарлик мисолларида томошабинни ўз мақсадларини рўёбга чиқаришига йўналтириш, ўзаро ёрдам, бағрикенглик, олижаноблик намуналари билан ўзаро ҳурматни тарбиялаш орқали телевидение жамиятнинг ижтимоий ва ахлоқий қиёфасига таъсир этади.

Қачонки томошабин ўзини кўп жиҳатдан экран персонажлари билан тенглаштирса, ўзининг дунёқараши ва қилмишлари билан солиштирса, бу ТВнинг бадий-техник захиралари воситасида оламга ижобий қараши ва маънавий негизини мустаҳкамлайди. Бу эса, Ўзбекистон телесанъатининг муҳим ахлоқий ва фуқаролик вазифасидир (бу борада «Oilaviy» телеканалининг «Первый Шаг» лойиҳасини алоҳида қайд этиш мумкин, унинг мақсади – ўсмир ёшларда фаол позицияни шакллантириш, ижодий қобилиятларини, инновацион ғояларга қизиқишини ривожлантиришдир).

Инсон билимлари, малакалари ва кўникмалари, маданиятини ҳар томонлама бойитиб, телевидение ўзининг универсал, шу жумладан, ижтимоий, интеллектуал, эстетик ва бунёдкорлик функцияларини намоён этади, айти вақтда ўз методлари билан маданиятни ишлаб чиқариш воситасига айланади.

Ишлаб чиқариш-ижодий фаолиятнинг турли соҳалари мажмуи, жумладан, санъатнинг барча тур ва жанрларини ривожлантириш, янги шакллар, ғоявий-эстетик концепциялар тузилиши, ТВнинг маданиятни шакллантирувчи устуворликлари электрон ва анъанавий санъатларнинг рақобатбардошлигига таъсир этишини назарда тутди. Қолаверса, «кичик экран»нинг эфирда материалдан ҳам оригинал, ҳам кейинги таҳрирларда фойдаланиш имкониятлари мавжуд. Телевидениенинг маданий бунёдкорлик омиллари кенг маънода индивидуал, жамоавий, оммавий, маиший, ижтимоий маданиятни шакллантириш жараёнида ифодаланади. Бу ерга ишлаб чиқариш, профессионал, ижтимоий маданият ва инсонни ҳар куни ҳамда ҳар дақиқада унинг ҳаёт фаолияти билан боғлиқ, атрофдаги бошқа барча йўналишлар ҳам киради.

Телевидениенинг ушбу имкониятлари унинг функциялари билан узвий

боғлиқдир (ахборийлик, маданий-маърифий, репродуктив, продуктив, маъно шакллантирувчи, билиш-рекреатив).

Ҳозирда телевидение кўп ўлчамли тасвир, дизайн, фотомонтаж, график расм, сўз, мусиқа воситаларига эга. Оламни кузатиш билан томошабин ҳар томонлама билимни ҳосил қилади, ўз-ўзига таълим бериш ва тарбиялаш билан шуғулланадики, бу жамиятни фақатгина интеллектуаллашувига эмас, балки эстетлашиш жараёнига ҳам рағбат этадиган замонавий телевидениени социомаданий институт сифатидаги фаолияти фойдасига ҳал этади.

ТВнинг социомаданий фаолият соҳаси шунингдек, ишлаб чиқариш-ижодий жамоанинг барча иши истеъмолчи аудиториясини максимал қамраб олишга, мулоқотда ахборот тенглигига эришишга, аҳолининг барча ёш ва маданий қатламларини зарур ахборот билан таъминлашга йўналтирилади. Бу шахсиятни тарбиялашга, холислик, материални ёритиш технологияси ва сифати юқори бўлишига интиладиган медиа воқеликка тўғри муносабат билдиришни ифода этадиган “медиа туйғуси”ни шакллантиришга хизмат қилади.

**«Ўзбекистон Миллий телевидениеси фаолиятининг шаклий-мазмун асослари ҳақида»** деб номланган иккинчи боб ҳам 2 параграфдан ташкил топган: 1. Структуравий ва функционал хусусиятлар; 2. Жанр-мавзу йўналганлиги. Унда Миллий телевидениенинг типологик белгилари, структуравий-фикрий тавсифи ёритилиб, ички ва ташқи тузилиши очиб берилди: бутун тизимнинг барқарорлиги, самарадорлиги, динамиклигидан хабардор қилувчи ўзаро алоқадорлик компонентлари, узлуксизлик, аҳолининг таълим ва маданий ўсишига, анъаналар ворисийлиги хизмат қиладиган телемахсулотни ишлаб чиқариш, такрорий ишлаш ва асраш.

ТВ маърифий, эстетик, рекреатив, ташкилий функцияларини бирлаштириб, тайёр материални ўзлаштириш ва мослаштириш орқали ўз жанрларини яратади: публицистика (янгиликлар, ахборот-таҳлилий, бадий); бадий (очерк, телеспектакль, телефильм, телевернисаж, телемузей); томошавий-ўйин (теледраматургия асосида сценарий, сахналаштириш ва ижро маданиятларининг унсурлари бирлаштирилган ҳамда турли телеканалларнинг махсус муҳарририятлари доирасидаги телеўйин, телешоу, телемарафонлар). Булар «Ахборот», «Пойтахт», «Давр», «Харакатлар стратегияси» («Стратегия действий»), «Тинчлик учун курашмоқ керак», «Тизимли ечим» («Системный подход»), «Культурная палитра», «Биз учун муҳим», «Очиқ мулоқот», «Халқ билан мулоқот: менинг овозим», «Кун нафаси», «Заковат», «Билимдон», «Телетеатр», «Телефильм» ва бошқалар.

Телетеатр – жонли спектаклни тўғридан тўғри трансляция қилиш, техникадан фойдаланган ҳолда ёки репродукция қилиш воситасида фаоллашадиган сахна санъатининг экран версиясидир. У таржима адабиёти (Л.Толстойнинг «Кавказ асири», Эдуардо де Филиппо «Қора кўзойнак»); миллий адабиёт (А.Мухторнинг «Қорақалпоқ қиссаси», М.Исмоилийнинг «Фарғона тонг отгунча») асосида бўлади. Бу борада М.Мухаммедов режиссёрлигидаги «Биринчи ўқитувчи», «Рус характери», «Давр менинг

такдиримда»; М.Юнусовнинг «Диёнат», «Гирдоб», «Улуғбек хазинаси»; Э.Нормуродовнинг «Қисмат» спектакллари алоҳида ўрин эгаллайди.

Драматургия, режиссура ва бадиий безак, актёрлик маҳорати ва мусиқа билан телевидение ўзининг санъат мақомини мустаҳкамлади, телетеатр «кадр» воситасида ва экран тилини бойитиш жиҳатидан телеверсиялар юзага келишига шароит яратиб, «кичик экран»нинг ғоявий-мазмун доирасини кенгайтди. Телевидение трансляцион, талқин, такрорий ишлаб чиқариш функцияларини бажарганида, коммуникациянинг технологияси, табиати, таркиби ҳам ўзгаради ва бу телетеатрни анъанавий театрдан фарқлайди. Телефильм ва кинофильм – яратиш, кўрсатиш ва идрок этиш шарт-шароитлари, моддий ва технологик захиралари, қатнашчиларнинг сони ва сифати, экранга чиқиш тезлиги ҳамда тарқалиш доираси жиҳатидан фарқ қилади.

Телефильм жанрлари: муаммоли-публицистик («Вокруг Арала», «Грани интеграции»); портрет («Муҳиддин Қориёқубов», «Судьба как эпоха»); бадиий («У самого синего неба»); фильм-концерт («Шашмақом»); хужжатли («Узбекистан-66», «Дружба, скрепленная временем»); сюжетли чизгилар («Утро жизни», «Этюды весны»). Уларнинг ўзига хослиги – ҳаётни ўз оқимида идрок этиш, тўғридан тўғри ассоциациялардир. Шеърлий мажоз унсурлари билан мушоҳада-фильмлар («Сарғайган мактублар», «Унутмас, мени боғим»); долзарб ва муаммоли фильмлар («Узбекистан–Россия – новые грани сотрудничества»). О.Ёқубовнинг «Диёнат», М.Бобоевнинг «Кўнгил кўчалари», Н.Эшонкулнинг «Пойдевор», Н.Норқобиловнинг «Қуёши ботмаган юрт», М.Исмоилнинг «Ой чиқмаган оқшомда» видеофильмлари ва сериаллари асосида оригинал материал ётади.

Агар «Наедине с природой» (2007) телефильми шоирона руҳда бўлса, «Триумф четверти века. Сурхандарья» (2017) – янги ижтимоий шарт-шароитларда ҳаёт ва инсонлар онги шиддат билан ўзгараётганлиги ҳақидаги ҳикоядир. «Толерантный Узбекистан» туркумидан «Узбекистан – вечная, обетованная» (2018) фильм мазмуни унинг номида ифодаланган. Сўнгги ўн йилликнинг энг сара ишлари сифатида: «Солнечный край», «Увайсий», «Занжир», «Дороги судьбы», «Честь», «Лафз», «Боғ» бўлиб, уларда Ш.Бўтаев, Ф.Мусаёнов, режиссер Б.Аҳмедов, операторлар К.Каримов, М.Солиев ва бошқалар ўз истеъдодларини ёрқин намоён этишди. Ижодкорларни инсонга яқинлашишга интилиши ортида у нима билан яшаётгани, нима ҳақда ўйлаётгани, нима билан афсусланаётганини билиш орзуси ва ҳаёт кўяётган саволларга жавоб топиш ётади.

Тележанрлар электрон технологиялар, телекоммуникациялар шароитида бадиий анъаналар ворисийлиги, мавжуд шаклларни қайтадан англаш ва телевидение концепцияси билан боғлиқ тарзда пайдо бўлган янгиларини яратиш билан юзага келди. Структурани деталлаштириш ва тележанрлар вариантлари дивергенцияси журналистик ва телевидение бадиий-ижодий фаолиятида воситаларнинг кенглигини намоён этадики, инвариант, стереотипик, шартли образлар – белгилар, тимсолларни яратувчи семиотикада фойдаланилади. Телевизион асарнинг жанр аниқлиги фақатгина назарий эмас, балки амалий

аҳамиятга эгаки, ҳам мазмун, ҳам техник нуқтаи назаридан кўп масала ишлаб чиқариш методологияси ва технологиясига боғлиқ.

«**Бадий узатиш концепциясида санъат**» деб номланувчи учинчи боб ҳам 2 параграфдан иборат: 1. Саҳналаштириш маданияти; 2. Образлилик тизимида тасвир ва овоз. Бу боб илмий-амалий характерга эга бўлиб, сценарийчилик ва саҳналаштириш маданияти, режиссёрлик, операторлик, сценограф маҳорати ва телевизион асарнинг овоз ечими масалалари ёритилган контекстда асосий тамойиллар, ривожланиш стратегиялари ва йўналишлари ҳамда ишлаб чиқариш-ижодий фаолиятни амалга оширишни ўрганишга комплекс ёндашув назарда тутилган.

Телемуҳаррир ишончилиқка, сценарий технологиясига, ахлоқий монандлиқка, намунавий адабий тилга жавоб беради, эфир материални тасдиқлайди ва тақсимлайди. Материал бетўхтовлиги ва захиралар чекланган шароитда у ўзининг таҳлилий ва иждодий қобилиятларини уйғунлаштириб, материални танлаши, тизимлаштира олиши ҳамда ташкилий кўникмалари, бошқариш ва мотивация технологияларини эгаллаши даркор. Бу йўналишда кўп йиллар У.Бурҳонов, Ғ.Расулов, Ф.Рашидов, О.Хмельницкая, Э.Мусаев, А.Жуков, В.Миразимов, С.Березанская раҳбарлик ва муаллифлик функцияларини бирлаштирган ҳолда фаолият олиб боришди.

ТВ фаолиятининг барча йўналишлари контекстида кинематограф, театр, ОАВ табиатини бирлаштирувчи, томошани ташкиллаштириш ва унинг қабул қилиниши қонуниятлари рўёбида ҳамма бўлинмалар хатти-ҳаракатларини мувофиқлаштирувчи ҳамда постановка вазифалари мажмуасини амалга оширувчи телережиссёр муҳим роль ўйнайди. ТВда нисбатан кўп йиллар давомида телережиссёрлардан М.Муҳамедов, М.Маҳкамов, В.Райкова, Н.Левина, Н.Теплякова ва бошқалар самарали фаолият юритишди.

Кадрда саҳналаштириладиган материални етказиш телеоператор зиммасида бўлиб, бадий ният кўриладиган шаклда, тасвирий урғуларнинг (кадрларнинг синхронлиги, кадр ичи монтажи, йирик планлар, деталлар) бирлиги, яхлитлиги ва фикрий сиқиклигида амалга ошади.

Экран коммуникациясининг ўзига хослиги унинг шахслараро характерида, бир вақтнинг ўзида «ҳозир бўлишлик», «диалогли», «ишончилиқ» эффектларига эришишида намоён бўлиб, кам воситалар билан юқори самарадорлиқка муваффақ бўладиган телебошловчи имкониятлари билан рўёбга чиқади.

Саҳналаштирувчи рассом, рассом-дизайнер ҳиссий муносабати – ранг, нур, ракурс, масштаб, перспектива, шакл, чизиқ, доғ, шарпа каби ифода воситаларининг уйғунлиги ва ўзгарувчанлигида жонланади, шахсийлик касб этади. Техноген цивилизация таъсирида теледизайн, WEB-дизайн, ихтисослашган компьютер дастурлари ёрдамида телевизион маконда титрлар, комбинацион кадрлар, графика ва анимацияни яратиш, планлаштириш, уч ўлчамли тасвирларни ишлаб чиқишда янги материаллар ва воситалар ўз ўрнини топади. Овоз ва вербал таркибий қисмлари билан боғлиқликдаги

тасвир синтези ассоциатив ва ҳиссий идрокни кучайтиради, уларнинг заифлашиши – ахборот оқимидаги ритмик номувофиқлик натижасидир. Композиция тасвир, овоз ва сўздан шакллантириллар экан, асар стилистикаси, суръат, ўлчов, драматургик ривожланиш йўллари монтажга боғлиқ бўлади.

Телевидениеда овоз (нутқ, муסיқа, шовқин) тасвирий қатор билан узвий боғлиқликда ва техника таркибидаги воситалардан мақбул фойдаланган ҳолда ишлаб чиқилади. Овоз режиссёри материални ёзади, таҳрир иши билан шуғулланади ва монтаж қилади, фонограммани «тозалайди», безаклар яратади, реклама ва анонс роликларини овозлаштиради. Муסיқа пластик образни «эшитиш»га, шакл ва стиль яхлитлиги қонунига риоя этишга, овоз маконини ташкиллаштиришни рўёбга чиқаришга чорлайди. Тасвир ва овоз уйғунлиги пластик ифодавийликка эришишда шунчаки аниқ жаранглашларни эмас, балки ҳолат ва ҳиссиётларни бериш учун структуравий-образли фикр юритишни, муסיқий ва ранг қаторлари синтези муаммосига ижодий муносабатни талаб қилади.

Телеспектакллар, телефильмлар муסיқий-драматургик ривожланиш қонуниятлари бўйича тузилади. Натижада экран версиясида икки мустақил тизимнинг (муסיқа ва театр) стиль янгилашиши кузатилади.

Телефильм соҳасида сценарий муаллифларидан Р.Сафаров («Взгляд с Востока»), О.Шарафиддинов («Абдурауф Фитрат»), А.Муҳаммаджонов («Буюк Турон»), М.Алимов («Арал – судьба моя» и «Предвидение, пробудившее мир»), Э.Усмонов («Қанот қоқа бошлаган Ҳумо»), Х.Даврон («Ҳазрат Усмон Қуръони»), Ч.Рўзиев («Боғ», «Баҳовуддин Нақшбандий») ва бошқалар; муҳаррирлардан Л.Самадбекова, Р.Солиҳова, М.Ходжаева, Р.Эгамбердиева, Д.Зиядова, Н.Камолова, М.Бекова, Ч.Рўзиев ва бошқалар; режиссёрлардан – Х.Ибрагимов, Л.Бобохонов, Х.Стойчев, Н.Махмудов, Э.Давидов, Ш.Жунайдуллаев, Т.Ахмедходжаев, Б.Ахмедов, А.Қосимов, М.Мирзааҳмедов, Ш.Бизаатов, С.Бабаев ва бошқалар; кинооператорлардан А.Исмоилов, Ш.Жунайдуллаев, Н.Герасимов, Б.Гадойбоев, А.Кариев, К.Каримов, М.Солиев, М.Хамидов, З.Хамидов ва бошқалар муваффақиятли фаолият юритишди.

Ҳозирда ЎзМТРКнинг дастурлари ва кўрсатувларини тайёрлашда телережиссёрлардан М.Ахунов, А.Усмонов («O‘zbekiston»), Э.Мамажонова («Yoshlar»); муҳаррирлардан Ж.Хожанов («Ассалом, Ўзбекистон!»), Э.Шукуров («Заковат»), А.Нуруллаев, Н.Тиллаев («Одамийлик»), Ж.Йўлдошбеков («Услуг», «Жонли журнал Life»), Ш.Эргашева («Оила шаъни»), Ю.Файзий («Уйга қайтиб») ва бошқалар ажралиб туришади.

Телеоператорларнинг катта ва ўрта авлодидан Б.Ғуломов, Д.Содиқов, Н.Абдуллаев, Х.Қудратов, Ж.Худойкулов, Б.Камолов, С.Шаҳобиддинов, М.Асқаров, А.Расходжаев, Р.Муродов, М.Юсупов, А.Ли, Ж. Муҳаммадбеков ўрин эгаллашди.

Янгиликларга олиб боровчилардан О.Сафоев, Ш.Қудратхўжаев, Д.Назиров, Ф.Қўчқорова, Н.Тўлаганов, М.Юнусова, С.Акбаров алоҳида мазмун бахш этишди. Р.Абдуллаев, Г.Қурбонова, Қ.Аъзамов, Н.Каримбоева,

А.Арсланов, Г.Сиддиқова, С.Тўлаганов, С.Нажмиддинов, Р.Қўлдошев, Л.Исмоилов, Г.Солиева ва бошқа ижодкорлар материалларни бериш стилистикасига маълум ўзгаришларни киритишди.

Экран образига шаклан тугаллик, пластик ифодавийликни беришда рассомлар (С.Расулов, Х.Рихсибоев ва бошқалар), чироқ усталари (А.Нишонов, Ш.Жўраев, Б.Жамолов ва бошқалар), монтажёрлар М.Шукурбекова, Т.Усмонхўжаева, Х.Алихўжаев, С.Хакимов, Р.Комилжонова, Б.Файзуллаев, М.Рузматов, Н.Нурбобоев ва бошқалар ҳам қатнашмоқда. Экран тасвирини овозлаштириш функциясини овоз режиссёрларидан И.Болтабоев, С.Абдурахимова, С.Алихўжаев, Р.Хакимова, Ф.Хамидов, Р.Нўймонов, З.Отабоев, И.Комиловлар фаолияти эътиборга молик. «Пресс-клуб», «Қарама-қарши», «Ислохотлар самараси» («O‘zbekiston-24») – диалог, полилог муҳитини овоз режиссёрлари Г.Турабоев, С.Мирзараҳимов, О.Камолиддиновлар тўлақонли етказишмоқда.

Телекўрсатувларнинг мусиқий беағи ҳам овоз режиссёрларнинг вазифасига кириб, уларнинг аксарияти (У.Алиев, С.Маткаримов, С.Юнусов ва бошқалар) нафақат овоз режиссёрлиги, балки профессионал мусиқий таълимга ҳам эга.

**«Телевизион дастурларни ташкил этиш ва амалга ошириш спецификаси ҳақида»** деб номланган тўртинчи боб икки параграфдан ташкил топган: 1. Телеэкранда ижодий лойиҳалар амалга оширилишининг методологик аспекти; 2. Ишлаб чиқариш-ижодий жараён моҳияти ва характери. Бу бобда ТВ дастурий фаолиятини амалга оширишининг назарий ва ташкилий аспекти, экран маҳсулотининг методологияси ва технологияси нуқтаи назаридан эътиборга лойиқ телекўрсатувлар мазмуни ва шакли муаммолари кўрилади.

Бу масалалар телевидение спецификаси телемаҳсулотни ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш жараёнлари билан боғлиқлигини кўрсатади. Вақтнинг реаллиги, тилнинг шартлилиги ва материалнинг ҳужжатлилиги ўзига хос йўллар (ракурс, композиция, ўйин, вербал, мусиқа компонентлари, кадр ва бошқа) билан экран версиялари мазмунини ташкил этиб, телевидениенинг образли тилини намоён этади.

Телевизион асарларни юзага келиши технологик вазифалар билан бирга мутахассисларнинг шахсий хатти-ҳаракатларини тақозо этади ва ўз навбатида улардан ишлаб чиқариш-ижодий фаолиятнинг назарияси ва амалиётини профессионал эгаллашни талаб қилади. Экран асари табиатига кўра синтетик ва инсон меҳнати нуқтаи назаридан жамоавий бўлиб, бир гуруҳ кишилар кучи (драматурглар, режиссёрлар, рассомлар, композиторлар, телеоператорлар, овоз режиссёрлари, видео ва электрон технологиялар бўйича мутахассислар ва бошқа) билан яратилади.

Саҳналаштирувчи режиссёр материални атрофлича ўрганиб, асосий ва иккинчи чизиқларни, фикрий ва ҳиссий урғуларни киритади, персонажлар, муҳитни идентификациялайди, шартли макон ва шартли замонни ўзлаштиришга ёрдам беради. Мизансаҳналар воқеалар динамикасини

бошқаради, кадр композицион тузилишини, ғоянинг ривожланишини мусиқа, сценографик, пластик ечимлари уйғунлиги таъминлайди.

Драматургия ва йирик план асосида амалга ошириладиган бадий ва инфор­мацион-таҳлилий публицистика, хужжатли публицистика жанрларида материални нисбатан фойдали ракурсларда бериш, тасвир ва сўз бирлигига эришиш вазифаси режиссёр зиммасида бўлади. Публицистиканинг асосий мақсади – томошабиннинг диққатини жалб этиш, муаммолар устида ўйлантиришга, фикр юритишга, бунёдкорлик ҳисобига ижтимоий фикрни шакллантиришга ундашдир.

